International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service

Vol. 1 Issue 1 | pp. 47-52 **| ISSN:** XXXX-XXXX

Available online @ https://globalconf.net/index.php/samisi

Article

Направления Развития Зелёной Экономики И Повышения Её Эффективности

Мамайунус Каршибаевич Пардаев*[1] Хасан Абдусаитович Рахимов[2] Азим Каюмович Гаппаров[3]

1. Самаркандский институт экономики и сервиса (SamISI), профессор, доктор экономических наук.

2,3 Самаркандский институт экономики и сервиса (SamISI), доцент, доктор философии по экономическим наукам (PhD).

* Correspondence: -

Аннотация. В данной статье рассматриваются теоретические и практические основы развития зелёной экономики, её значение в обеспечении устойчивости национальной экономики, а также приоритетные направления повышения её эффективности. Проанализированы вопросы внедрения экологически чистых технологий в отраслях экономики, использования возобновляемых источников энергии, рационального использования природных ресурсов, обеспечения энерго- и ресурсосбережения. Обоснованы возможности снижения негативного воздействия на окружающую среду, создания новых рабочих мест, привлечения инвестиций и повышения благосостояния населения посредством развития зелёной экономики. На этой основе разработаны научно-практические предложения и рекомендации по совершенствованию механизмов развития зелёной экономики в Узбекистане и повышению её экономической эффективности.

Ключевые слова: зелёная экономика, устойчивое развитие, экологическая безопасность, возобновляемые источники энергии, энергоэффективность, ресурсосбережение, экологические инновации, зелёные инвестиции, углеродная нейтральность, природные ресурсы, экологические технологии, экономическая эффективность.

Citation: Пардаев М. К. Направления Развития Зелёной Экономики И Повышения Её Эффективности. International Scientific and Practical Conference Samarkand Institute of Economics and Service 2026, 1(1), 47-52.

Received: 12th Aug 2026
Revised: 26th SSep 2026
Accepted: 18th Oct 2026
Published: 22th Nov 2026

Copyright: © 2026 by the authors. Submitted for open access publication under the terms and conditions of the Creative Commons Attribution (CC BY) license (https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

1. Мавзунинг долзарблиги

Яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўналишларига бағишланган мавзунинг долзарб-лиги бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида экологик муаммоларнинг кучайиши, иқлим ўзгариши, табиий ресурслар захирасининг чекланганлиги, энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиб бориши ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зарурати билан белгиланади. Чунки, ҳозирги шароитда иқтисодий ўсишни фақат ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ёки молиявий кўрсаткичларни яхшилаш орқали эришиш ва уларни шуларга асосан баҳолаш етарли эмас. Балки бугунги кунда, иқтисодий ривожланиш жараёнида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик мувозанатни сақлаш, чиқиндиларни камайтириш ва энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ривожланаётган яшил иқтисодиёт барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим механизми сифатида намоён бўлмоқда. Шу туфайли, мазкур мавзунинг долзарблиги қуйидаги асосий омиллар билан изоҳланади:

Биринчидан, ер юзида содир бўлаётган иқлим ўзгариши ва экологик муаммоларнинг кучайиши иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик хавфсиз технологияларни жорий этишни талаб қилмоқда. Айниқса, ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги, ер ресурсларининг деградацияси каби муаммолар ҳар бир мамлакатнинг, хусусаан Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш зарурати эҳтиёжга мос ҳолда ортиб бормоқда. Бунга эришиш учун қуёш, шамол ва бошқа қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш орқали анъанавий энергия ресурсларига қарамликни камайтириш, энергия таъминоти барқарорлигини ошириш имкониятлари кенгайишига ҳаракат қилинмоқда.

Учинчидан, ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини камайтириш ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тўртинчидан, ҳозирги шароитда яшил инвестициялар ва экологик инновацияларни ривожлантириш иқтисодиётнинг янги ўсиш манбаларини шакллантирмоқда. Шунингдек, ушбу ҳолат экологик тоза ишлаб чиқариш, энергия тежамкор қурилиш, электр транспорти ва қайта ишлаш саноатида янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистон шароитида яшил иқтисодиётни ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизда сув ресурсларининг чекланганлиги туфайли мазкур соҳада тежамкорликка эришиш, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланиш зарурати, Оролбўйи экологик муаммолари, энергия истеъмолининг ортиши ва шаҳарларда экологик вазиятни яхшилаш масалалари ушбу йўналишда тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Олтинчидан, яшил иқтисодиётнинг аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш билан ҳам бевосита боғлиқлигига ҳам шубҳа йўқ. Чунки мамлакатимизда соғлом экологик муҳитни шакллантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ва экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш инсон ҳаёти сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

2. Таҳлил ва натижалар

Мавзунинг илмий-амалий аҳамиятидан келиб чиқи, ушбу масалага алоҳида эътибор қаратамиз. Бунинг учун мазкур мавзуни тадқиқ этишда яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий самарадорлигини ўзаро боғлиқ ҳолда баҳолаш муҳим ҳисобланади. Бунда қуйидаги илмий ёндашувни таклиф этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи галда яшил иқтисодиёт самарадорлигини таъминлашнинг интеграциялашган моделини яратиш лозим, деган хулосага келинди. Бунинг учун яшил технологиялар ва инновацияларни жалб қилиш, ресурслар тежамкорлигига эришиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, яшил инвестицияларни киритиш, энергия самарадорлигига эришиш, иқтисодий ва экологик самарадорликни ҳам қўлга киритиш орқали барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигига эришиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги концепцияни қамраб олиш учун буларни ташкил этадиган омиллар ва йўналишлар занжирини шакллантириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).



1-расм. Яшил иқтисодиётни шакллантириш орқали фаровон ва барқарор мамлакатни бапо қилиш модели

Расмдан кўриниб турибдики, яшил иқтисодиётни шакллантириш орқали фаровон ва барқарор мамлакатни бапо қилиш моделига экологик барқарорлик, ресурслар тежамкорлиги, инновацион технологиялар, иқтисодий самарадорлик ва буларнинг аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган омиллар занжирини қамраб оладиган омиллар кириши кўрсатилган.

Шу тариқа, яшил иқтисодиётни ривожлантириш бугунги кунда нафақат экологик муаммоларни ҳал этиш, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, инвестицион жозибадорлигини кучайтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланишига ҳам гувоҳ бўлинаи. Шу боис яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаш-тириш, унинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тармоқлар кесимида амалий чора-тадбирларни белгилаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Яшил иқтисодиётнинг самарадорлиги иқтисодий ўсиш, экологик барқарорлик ва ижтимоий фаровонликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш даражаси билан белгиланади. Бу ёндашув тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий таклифларини шакллантиришда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари бевосита табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва яшил технологиялардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқлигини кўриш лозим бўлади. Шунингдек, энергиядан самарали фойдаланиш орқали, экологик барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришилса, булар аҳолининг фаровонлигини тўлиқ таъминлайди. Бу занжир яшил иқтисодиётнинг мамлакат келажагини белгилашдаги стратегик аҳамиятини ифодалайдиган жараёндир.

Мамлакатимизда яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорли-гини ошириш йўналишлари бача соҳани қамраб олади. Ушбу ҳолатни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистон шароитида яшил иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлар

Устувор йўналишлар	Яшил иқтисодиётни амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Кутиладиган натижа
Энергетика	Қуёш ва шамол энергетика-сини ривожлантириш	Энергия тежамкорлиги
Қишлоқ хўжалиги	Сув тежовчи технологияларни жорий этиш	Сув ресурсларини тежаш
Саноат	Экологик тоза технологиялар-дан фойдаланиш	Маҳсулот таннархини пасайтириш
Транспорт	Электромобиллар ва жамоат транспортини ривожлантириш	Атмосфера ифлослан-ишини камайтириш
Қурилиш	Энергия тежамкор бинолар барпо этиш	Энергия истеъмолини қисқартириш
Чиқиндилар	Саралаш ва қайта ишлаш тизимини ривожлантириш	Иккиламчи ресурс-лардан фойдаланиш
Таълим	Экологик билим ва кўникмаларни ошириш	Экологик маданиятни шакллантириш

Жадвалдан кўриниб турибдики, мазкур мавзу доирасида таклиф этиладиган янги илмий ёндашувлар бизнинг фикримизча, яшил иқтисодиётни фақат экологик муаммоларни ҳал қилиш воситаси сифатида эмас, балки иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминловчи комплекс иқтисодий механизм сифатида асослаш орқали кучайтириш лозимдир.

Бу ёндашувни қуйидаги илмий формула билан ифодалашни таклиф қиламиз. Бу айнан яшил иқтисодиётнинг интеграциялашган моделида ўз аксини топади. Бу қуйидагиларни ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Яшил иқтисодиёт шароитидаги омилларнинг аҳоли фаровонлигини оширишдаги омилларнинг ўзаро боғлиқ занжири

Расмдан кўриниб турибдики, ушбу занжирнинг бошида замон талабига мос яшил инвестициялар ва инновациялар турибди. Фаолиятни бошлашда ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган бўлиб, бевосита экологик тоза ишлаб чиқаришга ўтилади. Натижада иқтисодий самарадорлик ва экологик самарадорликка эришиш масаласи кўзда тутилган. Ушбу жараёнда янги иш

ўринларини яратиш орқали рақобатбардош ва барқарор иқтисодий ўсишга эришилади. Бу ўз навбатида аҳоли фаровонлигини таъминлайди. Ушбу моделнинг асосий хусусияти шундаки, бунда экологик барқарорлик, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий фаровонликнинг ягона тизимда бирлаштирилганлигини кўрамиз.

Мазкур масаланинг яна бир муҳим жиҳати яшил иқтисодиёт самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларинини ишлаб чиқиш билан аҳамиятли эканлигидадир. Яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича таклифларнинг амалий натижасини самарадорлик нуқтаи назаридан баҳолаш учун қуйидаги индикаторлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвал. Яшил иқтисодиёт самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларинини ва уларнинг ўлчов бирликлари

№	Баҳолаш кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги
1	Қайта тикланувчи энергия улуши	Фоиз
2	Энергия сарфи камайиши	Фоиз
3	Сув тежаш даражаси	Фоиз ёки м³
4	Қайта ишланган чиқиндилар улуши	Фоиз
5	Иссиқхона газлари чиқиндилари	Тонна CO_2 эквива-ленти
6	Яшил инвестициялар ҳажми	Млрд сўм
7	Яшил иқтисодиётда яратилган иш ўринлари	Дона
8	Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми	Млрд сўм

Бу кўрсаткичларни тармоқлар, ҳудудлар ва корхоналар кесимида мунтазам равишда аниқлаб, буларни мониторинг қилиш орқали яшил иқтисодиёт сиёсати самарадорлигини аниқлаш имконинига эга бўлинади. Бунда янги иш ўринларининг яратилиши билан бирга барқарор иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигига эришиш йўллари ҳам аниқ белгилаб олиш имкониятига баҳо бериб борилади.

3. Хулоса ва таклифлар

Яшил иқтисодиётга ўтишни фақат табиатни муҳофаза қилиш сиёсати сифатида эмас, балки мамлакатнинг янги иқтисодий тараққиёт модели сифатида қараш зарур. Чунки яшил иқтисодиёт ресурсларни тежаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, янги касб ва иш ўринларини шакллантириш, инвестицияларни жалб қилиш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам яшил иқтисодиётга бугунги экологик эҳтиёж, эртанги иқтисодий имконият ва мамлакат келажагининг стратегик асоси сифаааатида қараш масалага тўғри ёндошилган бўлади.

Ушбу фикрларни умумлаштирган ҳолда бир қанча илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Биринчидан, Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг тармоқлар ва ҳудудлар кесимидаги комплекс дастурини, бир ҳудуднинг табиий, иқтисодий ва экологик хусусиятларидан келиб чиқиб, яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг маҳаллий моделларини ишлаб чиқиш зарур.

Иккинчидан, корхоналарда энергия ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг ягона индикаторлар тизимини жорий этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш мақсадга

мувофиқ. Шунингдек, яшил инвестициялар учун солиқ ва кредит имтиёзларини экологик натижадорлик билан боғлаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, чиқиндиларни қайта ишлаш асосида янги тадбиркорлик субъектлари ва иш ўринларини яратишни қўллаб-қувватлаш зарур. Мазкур масала бўйича маҳаллара билан келишган ҳолда тизимли ишларни йўлга қўйиш лозим бўлади.

Бешинчидан, олий таълим муассасаларида яшил иқтисодиёт, экологик менежмент ва углерод ҳисоби бўйича мутахассислар тайёрлашни кенгайтириш ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, яшил иқтисодиёт самарадорлигини ошириш орқали ижтимоий фаровонликни интеграциялашган механизмини жорий этиш вақти келди. Ушбу механизм орқали корхоналар ва ҳудудларнинг иқтисодий фаолияти экологик ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш кўрсаткичлари асосида комплекс баҳоланади.

Хулоса қилиб айтганда, яшил инвестициялар инновацияларнинг кириб келишини таъминлаш орқали ресурс тежамкорлигига эришилади. Бу эса ўз навбатида инсон капиталини такомиллаштириб, барқарор иқтисодий ўсишга ва аҳоли фаровонлигига эришиш имкониятини яратади.

.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

1. Программа ООН по окружающей среде (ЮНЕП). (2011). На пути к зелёной экономике: пути устойчивого развития и искоренения бедности. Найроби.
2. ОЭСР. (2011). На пути к зелёному росту. Издательство ОЭСР, Париж.
3. Всемирный банк. (2012). Инклюзивный зелёный рост: путь к устойчивому развитию. Вашингтон.
4. Организация Объединённых Наций. (2015). Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. Нью-Йорк.
5. Международное энергетическое агентство. (2023). Мировой энергетический прогноз 2023. Париж.
6. Pearce D., Markandya A., Barbier E. (1989). План создания зелёной экономики. Лондон: Earthscan.
7. Barbier E. B. (2011). Политические задачи зелёной экономики и устойчивого экономического развития. Natural Resources Forum. Т. 35, № 3. С. 233–245.
8. Jacobs M. (1991). Зелёная экономика: окружающая среда, устойчивое развитие и политика будущего. Лондон: Pluto Press.
9. Stern N. (2007). Экономика изменения климата: доклад Стерна. Кембридж: Cambridge University Press.
10. Программа ООН по окружающей среде (ЮНЕП). (2019). Глобальная экологическая перспектива – GEO-6: Здоровая планета – здоровые люди. Кембридж: Cambridge University Press.
11. Международное агентство по возобновляемым источникам энергии (IRENA). (2023). Перспективы мирового энергетического перехода – 2023. Абу-Даби.
12. Республика Узбекистан. (2019). Стратегия перехода Республики Узбекистан на «зелёную» экономику на период 2019–2030 годов. Ташкент.
13. Министерство экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан. (2022). Стратегические основы зелёного роста Республики Узбекистан. Ташкент.
14. Программа развития Организации Объединённых Наций (ПРООН). (2023). Доклад о человеческом развитии 2023/2024: Преодоление тупиковой ситуации. Нью-Йорк.
15. Всемирный банк. (2023). Доклад об изменении климата и развитии Узбекистана. Вашингтон.